


ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ, АРХЕОЛОГИЯСИ, ЭТНОЛОГИЯСИ ЯНГИ МАНБАЛАРДА

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАТЕРИАЛЛАРИ



87	Темиров Ш., Раҳматова Д.	Ўтмиш ва келажак туташган маскан	159
88	Ҳасанов Р.	Қарши воҳаси тарихи ҳақидаги айрим мулоҳазалар	161
89	Замонов А.Т., Махмасобирова Ф.Ў.	Қарши беклиги мудофаа қўрғонларига хос бўлган айрим хусусиятлар (XVI-XIX аср ўрталари)	163
90	Холияров Т.	Жарқўрғон воҳаси тарихий географиясини ўрганишда археология манбаларининг ўрни	165
91	Ботиров С., Тангриев Ф.	Хива – Хоразм меъморчилик анъанаси сарчашмаси	166
92	Турсунов Н., Самадова Ф., Бекмуродов У.	Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳлари: тарих ва ҳозирги замон	168
93	Ҳусанов О.И., Тоғаев Ж.Э.	Бронза даври савдо йўллари тизимида Жанубий Ўзбекистоннинг тутган ўрни	169
94	Ахмадова Н.	Кеш - манбаларда	171
3-ШУЪБА			
ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ЭТНОЛОГИЯСИНING ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ			
95	Чориев А., Ғойимов А.	Ўзбекистонда экологик вазиятнинг ёмонлашуви ва унинг сабаблари	173
96	Аширов А.А.	Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида дуализм.	174
97	Бўриев О., Бакиров И., Рахмонқулова О.	Ўтов тарихини биласизми?	176
98	Бўриев О., Убайдуллаева Ш.	Жанубий Ўзбекистон этнологияси янги илмий тадқиқотларда	178
99	Бекназарова Л.С.	Миллий урф-одат ва анъаналарнинг инсон руҳиятига таъсири	181
100	Соатов Ф., Муратов И.	Этник маданиятни сақлаб қолиш – мафкуравий курашнинг асосий омил.	182
101	Ражабов М.	Миллатлараро ва динлараро бағрикенглик – миллий муносабатларни маромлаштириш асоси.	184
102	Бобожонов Ш., Омонова С.	Оила – жамиятнинг негизи	186
103	Исмоилова М. Э.	Бўлажак мусика ўқитувчиларининг хонандалик маҳоратини ривожлантириш	187
104	Ш.Раҳмонов Ф., Тўхташев С.	Ўзбек халқи анъанавий деҳқончилиги этно- тарихий манбаларда (Жанубий Ўзбекистон мисолида)	188
105	Жумаева С., Кенжаев Т.	Таълим самарадорлигини оширишда болалар фольклор-этнографик тўғарагининг ўрни	191
106	Очилов Н.	Халқ дostonларида этнографик деталларнинг қўлланишига доир	192
107	Тураева М.	XX асрнинг 20-30 йилларда Ўзбекистон жанубий худудларида халқ оғзаки ижодиётининг аҳволи.	194
108	Норбўтаев, Ражабов Р.	Алпомиш ва унинг оталари кўнғирот кавмининг қайси уругидан?	195
109	Очилова Г.А., Омонов Б.	Маънавий меросимизда фалсафий-ахлоқий қарашларнинг шаклланиши.	197
110	Очилова Н. Р.	Интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашда маънавий таълим-тарбиянинг аҳамияти	198
111	Туреханов В. А.	Национальная культура казахского этноса Узбекистана	200
112	Турсунов А., Юлдошев Б.	Ўзбекларнинг турар жойларини эволюцияси тарихидан	203
113	Абдиназарова Н.	Миллий онг ва миллий ўзини ўзи англашнинг психологик хусусиятлари	204
114	Эшназарова Д.	Каштачилик санъати тарихидан	205
115	Искандаров Ш. А.	Ўзбекистон араblарининг ислом ва зардуштийлик дини билан боғлиқ кадриятлари	207
116	Жабборов И.А., Жабборов Ж.А.	Ёш оилаларда эр-хотин муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари	209

шундаки, анор- оила рамзи, қалампирда кўриклаш тимсоли бор. Бодом кут-барака, мууллар келин-куёвлар... Халкнинг қадим анъаналари бардавомлиги, бойиб, такомиллашиб борганини кўзларни кувонтиради.

Бугун миллий қадриятлар қаторида каштачиликка ҳам эътибор кучайди, кашталарнинг ўзига хизмаю-тасвирлари замонавийлик билан уйғунлашиб, такомиллашиб бораёпти. Турли янги кашталар пайдо бўлаяпти. Кашта тикилган кийимлар урфга кирган. Бу эса қадим қадриятларнинг бардавомлигидан далолатдир.

Адабиётлар

Ўзбекистон миллий энциклопедияси

Ўзбекистон миллий энциклопедияси

"Тулистон" журнали 2015/1

ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИНИНГ ИСЛОМ ВА ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАДРИЯТЛАРИ

*Низомий номидаги ТДПУ
катта илмий ходим-изланувчиси
Искандаров Ш. А.*

Дунё халқларининг ҳаётига назар ташласак бир-бирига ўхшамаган турли-туман маросимларни кўрамиз. Улар жамият, халқ ва шахс ҳаёти фаолиятидаги муҳим ўзгаришлар, ижтимоий аҳамиятга молик воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ бўлиб, ибрат орқали тарбиялаш, рухий-эстетик таъсир кўрсатиш вазифасини бажаради. Маросимларда миллий диний урф-одатлар ва расм-рўсуллар ҳам ўз ифодасини топган. Улар халқнинг маънавий эҳтиёжлари заминида пайдо бўлиб, шаклланиб сайқалланиб ўз мазмунида шу халқнинг орзу-ўйлари, истаклари, турмуш-тарзи, ахлоқ нормаларини мужассам этади.

Президентимиз И.Каримов маънавий меросимизни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, қуйидагича таъкидлайди: "Биз учун мустақиллик энг аввало, ўз тақдиримизни қўлга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик ва осойишталикни, барқарорликни сақлашдир"⁶³. Ҳақиқатдан асрлар давомида шаклланган бундай диний қадриятлар, байрамлар, халқ сайллари ва маросимларини бундан буён ҳам ҳар бир халқ орасида кенг ёйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки уларга бўлган муносабат маҳаллий халқларнинг кўпчилиги тасавурида исломий анъанавий маросимларини ўтказиши миллийлик билан динийлик бирмунча уйғунлашган.

Асрлар давомида дин нафақат инсонлар ҳаётида, балки жамият маънавий, ҳаттоки айрим даврларда сиёсий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнаб келган. Ҳозирда мавжуд барча жаҳон динлари умумбашарий қадриятларга таяниб инсон ва жамият ахлоқий ва руҳий камолотига таъсир ўтказиб келаётганлиги туфайли асрлар оша яшаб келган. Бу ҳудудда халқларининг асосий қисми исломгача зардуштийликдан ташқари монийлик, анимизм, фетишизм, будда, қисман християн диний оқим вакиллари фаолияти юртишган. Ислом динининг кириб келиши билан ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий, маданий маданиятида ўзи ифодасини топган. Ислом дини кенг тарқалиши билан барча диний маросимларда ўзига ҳос исломий аҳкомлар пайдо бўла бошлади. Ислом дини қарор топиши билан зардуштийлик дини ҳам ўз аҳамиятини йўқота бошлаган.

Исломга қадар Ўрта Осиенинг деярли барча ҳудудларида зардуштийлик дини тарғиботчилар мунтазам равишда дин тарғиботи билан шуғулланар эди. Янги диннинг шаклланишида Ўрта Осиёда мавжуд ҳолатнинг таъсири, албатта катта бўлди. Аммо бу жараёнларда биринчи навбатида зардуштийликни барҳам топиши ислом дини вужудга келиши ва унинг мафқурасининг шаклланиши муҳим ўрин тутди.

Ислом дини бошқа динлардан ўзининг ҳар томонламалиги билан ажралиб турарди. У фақат диний маросимларни амалга оширилишини бошқариб қолмай, шу билан бирга тадқиқ қиланаётган даврда маънавий, моддий маданий жиҳати диний ва дунёвий вазифаларни бирлаштирган.

Машҳур аллома Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар"⁶⁴ асарини ҳам мусулмон дунёсидаги қиёсий диншуносликка оид энг сара асарлар қаторига киритиш мумкин. Аллома мазкур китобда ислом маросимлари араб халқлари тўғрисида баъзи қимматли маълумотлар бериб ўтган.

Ўзбекистонда яшаб келаётган халқлардан бири арабларнинг турмуш-тарзи урф-одат ва анъанавий маросимларида ўзига хос муҳим жиҳатини таъкидлаш ўринли бўлса, керак яъний ички ва ташқи сиёсатида ислом диннинг родини ошишга иқтисодий-ижтимоий омилларга таъсир қилди.

Ўзбекистон арабларнинг оилавий маросимларида диний маданий жиҳат никоҳ, суннат, жаноза маросимларида, шунингдек эр-хотин ва улар фарзандларининг динга эътиқод даражасидан катъий назар, барча мусулмонлар байрами ҳисобланган. Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити билан боғлиқ урф-одатларга амал этишларида ўз ифодасини топади. Мусулмон эркак ва аёл томонидан билим олишнинг фойдаси, эр-хотиннинг бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳақидаги ислом динининг ҳаётий муҳим таълимотлари айрим дин намояндаларининг бир томонлама талқини гуфайли аҳоли ўртасида нотўғри тасаввурлар туғдирган бўлса-да, бу таълимотга ҳам болаларни замонавий илмга ўқитишга ҳам тўсқинлик қила олмади. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, бир ойлик рўза маросимида олдинлари араблар орасида кенг тарқалган эди. Яъни 40 жондан бирини закот сифатида бериб келишган. Аммо ҳозирги кунга келиб эса закот бериш анъанавий маросимлари йўқолиб бормоқда. Арабларда диний маросимлари ўзбек халқ турмуш-тарзи билан уйғулашиб кетмоқда.⁶⁵⁵ Бирон-бир халқнинг ёки миллатнинг минг йиллар давомида яшаб келаётган, ўша халқнинг орзу-интилишларини ўзида ифода этадиган ва умрбод ўз кадрини йўқотмайдиган тушунча ва тамойиллар, урф-одат ва анъанавий қадриятдир. Маълум дин доирасида, диний тус олган ва эътиқодга таалуқли қадриятлар эса “диний қадрият” деб аталади. Диний қадриятлар ёзма ва маданий шаклга эга.

Зардуштийлик қадимда ўтмиш аجدодларимиз ҳаётидаги асосий диний эътиқодлардан бири бўлиши билан бирга ислом дини кириб келгандан кейин арабларнинг турмуш-тарзида ҳам ўз изларини сақлаб қолганлиги ва ҳатто бугунги кундаги оила-турмуш маросимларида ҳам синкретик тарзда давом этиб келаётганлиги тадқиқот давомида ўз исботини топган. Ҳозирги кундаги халқларимиз ўтмишдан оширилаётган маросим ва урф-одатларда зардуштийлик излари исломий маросимлар билан биргаликда синкретик тарзда қоришиб кетишган⁶⁵⁶.

Дала тадқиқотларимиз натижасида арабларнинг миллий урф-одатлар ҳам анъанавий маросими баъзи зардуштийлик ва исломий маросимлари билан уйғунлашиб кетган. Аммо баъзи бир элементлар ҳам бир-бирига ўхшашдир. Яъний покланиш, эзгулик, номоз ўқиш каби зардуштийликка хос жиҳатдир.

Ислом дини Ўрта Осиёга кириб келиши билан бирга ўзидаги турли туман диний маросимчиликни ҳам олиб кирди. Исломдан аввал таркиб топган зардуштийлик урф-одат ва маросимни жорий этишга ҳаракат қилди. Чунончи зардуштийликда муқаддас саналган оловнинг оташнарастлар ибодатхоналарини лекин Марказий Осиё халқлари урф-одатларидан оловни муқаддас санаш удумини йўқотолмадилар. Шунинг учун шу кунга қадар тўйларда келин-куёвни олов атрофида айлангириш, мозорларга шам ёқиш удумлари сақлаб қолинди.

Ислом миллий менталитетини ривожланишида муҳим роль уйнаганлигини кўп таъкидлаймиз. Лекин уларни алоҳида ўрганиб чиқилса, ислом ана шунинг учун хусусиятларни такомиллаштир-ганлигини кўрамиз. Масалан: ҳайит кунларидаги сайиллар айнан Наврўз кунларидаги сайилнинг ўзи, фақат бу кун диний ибодат саналган ҳайит намозини адо этиш билан изоҳланса, Наврўз янги йилни кириб келиши билан изоҳланади. Яна бир мисол: зардуштийлар яъни куёшга сизинувчилар бирор мушкулларни осон қилишни Ахурамаздани сўраш учун кўпчилик бўлиб Кохин билан сахрога чиқиб қурбонлик қилганлар. Исломда ёмғир сураш учун эркаклар ёш болаларни олдиларига олиб сахрога чиқиб намоз ўқишган ва ёмғир бошланмагунча қўлларини дуодан тушурмаганлар. Бу ҳам зардуштийликдаги маросимни исломий бир кўринишидир⁶⁵⁷. Бугунги кунгача ёзилган рисолалар, қўлланмаларда араблар босқинига қадар ота-боболаримиз оташпараст, мажусий бутпараст бўлганлар ёки зардуштийлик билан мажусийлик ягона дин деб талқин қилинган.

Чунончи, водий ўзбекларининг сув, олов, ер ва ҳавонинг мусаффолиги ва поклиги ҳамда уларнинг маросимий ифлосланишидан асрашга қаратилган урф-одатлари келиб чиқиш асосларига кўра зардуштийлик анъаналари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Шунингдек, ишда зардуштийларнинг йил фасллари билан боғлиқ байрамлари, Наврўз, ойлар байрами, аждодлар эътиқоди, турли дуолар айтиш, покланиш маросимлари, Ўсмирларни зардуштийликка қабул қилиш (сидрапўшлик [≠] оқ либос кийиб, белбоғ боғлаш) каби анъаналари билан боғлиқ айрим кўринишлар ўзбек халқининг анъанавий турмуш-тарзида то XX асргача сақланиб қолганлиги аниқланди⁶⁵⁸.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мустақил республикамизда янги жамият қуришга киришган бир вақтда тарихий жараён ниҳоятда оғир мураккаб ижтимоий иқтисодий вазият таҳлил этилган.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда ислом дини омилидан, унинг бой маънавий ва маданий кадрият сифатидаги катта имкониятларидан фойдаланиш мақсадида улкан ишлар амалга оширилган.

Адабиётлар

653. Каримов И. Мустақиллигимиз боқий бўлсин. "Халқ сўзи" 1994. йил 1-сентябрь.
654. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. I-II-III-том. Т.: "Фан", 1968. Б. 468.
655. Дала ёзувлари, Қашқадарё вилояти. Косон тумани. Пулати кишлоғи. 2011. йил.
656. Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти Т. 2007. Б. 53.
657. Алимухамедов А. Ислам динидаги маросимчилик ва урф-одатлар. Т.: "Ўзбекистон" 1969. Б. 45.
658. Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти Т. 2007. Б. 222.

ЁШ ОИЛАЛАРДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

И.А. Жабборов, ҚарДУ

Ж.А. Жабборов, Нуристон АП

Ёш оилаларда эр-хотин муносабатлари ўзига хос ҳудудий, этник, жинсий, ёш ва индивидуал психологик хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг кейинги муносабатлари шаклланишининг энг нозик ва ҳал қилувчи шакли ҳисобланади. У ёки бу ёш оилага хос бўлган эр-хотин муносабатлари бошқа бир оиладаги эр-хотин муносабатларига мос келмаслиги мумкин. Чунки ёш оилани юзага келтирган эр-хотинлар турли хил шахслараро муносабатлар тизими, турлича таомилга эга бўлган оилаларда тарбияланган, шахс сифатида шаклланган ўспирин ёшлардан ташкил топади. Лекин шунга қарама-қарши махсус психологик тадқиқотларда ва улардан олинган натижалар асосида ёзилган илмий психологик адабиётларда ёш оилаларда эр-хотин муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишининг умумий механизмларига оид тегишли маълумотлар келтириб ўтилган.

Ёш оилаларда эр-хотин муносабатларининг қай тарзда ривожланиши аввало шу ёш оиланинг юзага келишига асос бўлган никоҳ олди омиллариининг характери, шу оилаларнинг юзага келиш шарт-шароитлари билан узвий боғлиқдир..

Албатта, ёш оила юзага келар экан, улар бир-бирларини севиб турмуш қуришганими, қариндош уруғчилик, таниш-билишчилик, совчилик ва бошқа бир катор муҳим сабаблар туфайлими улардан қатъий назар, никоҳнинг илк кунларида уларнинг бир-бирларига нисбатан бўлган ўзаро эр-хотин ўртасидаги шахслараро муносабатларида эмоционал кўтаринкилик, ҳиссий ранг-баранглик даражаси юқори бўлади. Айниқса бир-бирларини маълум бир муддат севишиб оила қурган жуфтларда бундай эмоционал кўтаринкилик даражаси ниҳоятда юқори бўлади. Чунки улар бир неча йил кутиб, интилиб яшаган висол дамларига ниҳоят етишган бўладилар. Нафақат севишиб оила қурганлар, балки деярли барча мотивларга кўра оила қурган ёшларда ҳам никоҳнинг бошида эр-хотин ўзаро муносабатларида бир-бирига яқинлик, бир-бирини қадрлаш, ҳурмат қилиш ҳар бир нарса ва ҳодиса ўйлаб, эҳтиёткорона ёндоқиш нисбатан юқори бўлади. Уларнинг бир-бирларига, ўз никоҳлари, бўлажак оилавий ҳаётлари ҳақидаги ният, орзу, умидлари эзгу, ижобий бўлади. Чунки ҳеч ким ва ҳеч қачон эртага бўлажак турмуш ўртоғим, ёки янги оиламнинг аъзолари билан низо-жанжалга бораман, улар билан уришаман ва охир-оқибатда оилам бузилиб, ажрашиб кетаман, деб оила қурмайди (Айрим ҳолларда мажбуран оила қурганлар бундан мустасно). Инсон оила қураётган экан, аҳил-иноқ яшаб, мурод мақсадга етишишни орзу қилади, никоҳ арафасида ва никоҳ кечаси ҳам барча яқин биродарлар, қариндош-уруғлар, тўйга таширф буюрган меҳмонлар ёшларга эзгу ниятлар билдирадилар. Шунингдек, ёшлар оила қуриш арафасида ва никоҳларининг дастлабки кунларида турмуш ўртоғи тимсолида, ўзининг шу орзу-истакларига, мурод-мақсадларига етишишда ёрдам берувчи, уни қўллаб-қувватловчи, уни ҳар сония, ҳар онда тушунувчи ўз табиагига яқин одамни тасаввур қилади ва унга имкон қадар шундай ижобий, илик муносабатда бўлишга ҳаракат қилади.

Бироқ, ҳаётда, айниқса оилавий ҳаётда ҳамма нарса ҳам одам кутганидай бўлавермайди. Оилавий ҳаётнинг ўзига яраша нотекистиклари, паст-баландликлари, мураккабликлари ва қутилмаган муаммолари бўлади. Шундай мураккабликлардан бири ёш эр-хотиннинг янги ижтимоий статусга, мавқега: эр, куёв, уйланган, оилали йигит, хотин, келин, турмушга чиққан аёл ролларига, ўзлари учун янги бўлган ижтимоий муҳитга, янги оилага мослашиш жараёнидир. Хўш, бу янги шароитларга мослашиш жараёни қандай кечади?